Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 2 апрель, чоршанба • № 27 (10.905) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ГРЕЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни расмий ташриф билан Греция Республикасига жўнаб кетди.

Ислом Каримов сафар олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида греклар юртига бўлажак мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаражагини айтар экан, хусусан шундай деди:

— Халқимиз Грецияни, грекларни жуда яхши билади. Зеро, халқларимиз ўртасида кенг савдо-иқтисодий, шунингдек маданий алоқалар қадимдан мавжуд. Бизда машҳур саркарда Искандар Зулқарнайнни қанчалик билишса, сохибқирон бобомиз Амир Темур номи ҳам грек халқи учун шунчалик таниқли.

Мустақил Ўзбекистон билан Греция ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Грецияга ушбу илк ташрифимиздан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама кенг алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янги босқичга кўтаришдир. Ташриф давомида икки томондан солинадиган солиқларни тартибга солиш, савдо ҳамда технология, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, шунингдек бошқа соҳаларга оид ўнга яқин ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Хусусан, мамлакатларимиз ўртасида имзоланажак ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси икки давлат алоқалари ривожида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Далат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш ва кенгайтириш, фонд бозорида инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларнинг фаоллигини ошириш мақсадида:

1. Шу нарса белгилансинки, давлат ўз улушини сақлаб қоладиган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг устав сармоясини шакллантириш чоғида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг қуйидаги пакетлари кўзда тутилади:

давлатга — акцияларнинг кўпи билан 25 фоизи;

меҳнат жамоасига — акцияларнинг кўпи билан 26 фоизи;

хорижий инвесторга сотиш учун — акцияларнинг камида 25 фоизи;

қолган қисми — эркин савдога.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига айрим ҳолларда хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларининг акциялари пакетини тендер (танлов) шартлари асосида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур тартиб эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир йил мобайнида амал қилади, шундан кейин сотиб олинмаган акцияларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга эркин сотиш учун қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бир ҳафта муддатда давлат корхоналари негизида ташкил қилинган акциядорлик жамияти таъсисчилари ўртасида акцияларни тақсимлашни таъминлаш механизмининг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этсинлар.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси Раиси В. Чжен зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 31 март.

Муносабат

ҲУНАР АҲЛИГА КАТТА ИМТИЁЗ

Халқимиз Республика Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ана шундай баҳоламоқда.

...СЕШАНБА куни эрталаб пойтахтимиздаги Эски Жўва бозорига ташриф буюрдик. Бешикдўзлар, тунукасозлар, кулоллар, пичоқ усталари, заргарлар, зардўзлар, сандиқчилар... Эҳ-ҳе, халқимиз орасида турли-туман усталарнинг, ҳунармандларнинг, амалий санъат ишқибозларининг кўплигига қойил қолмай, иложингиз йўқ. Халқ ҳунармандчилиги вакилларининг оғзи «қулоғида» эди. Ҳамманинг қўлида бир газет. Улар республикамиз Президентининг ўша куни чоп этилган «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини мутолаа қилардилар.

— Қойил, зўр иш бўлипти, — деди Риштондан Тошкентга сопол косалар олиб келган Эшмурод Холиқов, — юртбошимизнинг бу Фармонини халқ ҳунармандчилиги ҳақидаги чинакам ғамхўрлик, дейиш мумкин. Энди ишларимиз, шубҳасиз, гуриллаб кетади.

— Имконият яратиш, катта йўл очиш мана бундоқ бўлади, — деди Қибрай туманининг Дўрмон қишлоғида истиқомат қилувчи бадиий санъат устаси Эргаш Сафаров, — биз ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари ишлар билан шуғулланамиз. Халқ ҳунармандчилиги фаолияти билан банд кишиларнинг беш йил муддатгача даромад солиғи тўлашдан озод этилганлиги миллий ҳунармандчилик санъатимизда улкан ўзгаришлар ясайди, деб ўйлайман. Менинг ўзим яқинда Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган «Ташаббус—97» вилоят кўрик-танловида биринчи ўринни, сўнгра республика миқёсидаги кўрикда ҳам совринли ўринни эгалладим. Муваффақиятларим учун Президентимиз таъсис этган «Тико» енгил автомашинаси билан мукофотландим. Энди давлатимиздан оладиган 18 миллионлик фоизсиз кредитларни янги бино сотиб олиш, ишларимиз кўламини тобора кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари барпо этишдек хайрли ишларга сарфлайман.

— Мен машҳур адиб Абдулла Қодирийнинг набираси Шеркон Қодирий бўламан, — деди истараси иссиқ бир йигит, — асли касбим бешикчилик. Отам, Ҳабибулла Қодирий, амаким Масъуд Абдуллаевлар оғзидан Самарқанд Дарбозада яшаб ўтган машҳур ҳунармандлар ҳақида кўп эшитиб, ихчам бешиклар ясашдек ўз касбимга ихлос қўйганман. Президентимиз Фармонида зикр этилган масалалар усталарнинг дилидаги гаплардир.

...Ҳа, юқоридаги мушоҳадалар одамлар юраги тубидан чиқаётган самимий сўзлар эди. Ростдан ҳам ўзбек халқи азалдан қўли гул халқ, деб Шарқда ном таратганлиги тарих саҳифаларидан маълум. Улуғ бобомиз Амир Темур даврида ҳам миллий санъатимизнинг бу тури беқиёс ривож топган. «Буюк ипак йўли» орқали Мовароуннаҳр маҳсулотлари Мағрибдан Машриққача донг таратган. Ана энди ўша қадимий касб-корларимиз том маънода қайта туғиладиган бўлди. Президентимизнинг мазкур Фармони, сўзсиз, миллий маданиятимизнинг узвий, таркибий қисми ҳисобланган халқ бадиий ҳунармандчилигини, амалий санъат турларини, асрий анъаналаримизни янгича равнақ топтиришда катта аҳамият касб этиши аниқ бўлди. Зеро, давлатимизнинг ўзи бу соҳани ўз тасарруфига олиб, ишончли кафолат берди. Фармон асосида «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвонининг таъсис этилганлиги, «Усто», «Мусаввир» каби бирлашма ва марказлар қошида «Ҳунарманд» уюшмасини ташкил қилиш, бу уюшмага 150 миллион сўм ажратилиши, жойларда ҳудудий уюшмаларни барпо этиш ва уларнинг лозим даражада ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар фикримизнинг яққол исботидир.

Раҳимберди УМАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» шарҳловчиси.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

КУНИГА 2 МИНГДАН ОРТИҚ

МАҲСУЛОТИ вилоят ҳамда Тошкент шаҳридаги энг йирик савдо ҳиссадорлик жамиятларига манзур бўлиб келаётган «Ана текстиль КО ЛТД» қўшма корхонасининг харидори яна бир муассасага кўпайди.

Яқиндан бошлаб Тошкент бош универсал савдо ҳиссадорлик жамияти ҳам корхона жамоаси тўқиётган эркаклар пайпоқларига буюртма бера бошлади. Кунига 2 мингдан ортиқ пайпоқ тўқиётган фабриканинг харидорлари сони 40 тадан ошиб кетди. Уларнинг ҳар бири маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бораётганлигини таъкидлашмоқда.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

«АҚЛ-ЗАКОВАТ», «САҲОВАТ», «МАФТУНКОР» ЭГАЛАРИ

Муҳаббат Асқарова Олмалиқ шаҳридаги 12-болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишламоқда. У кичкинтойлар билан спорт, мусиқа машғулотларини олиб боради. Айни вақтда болаларда компьютерда саводхонликни оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Яқинда М. Асқарова тарбиячилик соҳасида орттирган бой билими, малака ва кўникмасини шаҳар танловида ёрқин намойиш этди. У «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» шиори остида ўтган беллашувда муваффақиятли қатнашиб, ғолиб бўлди.

Танлов шартлари бўйича у «Ўзбекистон бахтли болалик диёри» деган мавзуда реферат ёзди, ўзининг касб маҳоратини намойиш қилиб, иқтидорини кўрсатди. Шу сабабли ҳам танлов ҳаками бир овоздан М. Асқаровага «Моҳир тарбиячи» деган фахрли ном берди.

Танловда «Ақл-заковат эгаси», «Саҳоват эгаси», «Мафтункор» деган фахрли номлар ҳам таъсис этилган эди. Бундай шарафга танлов ғолибларидан Г. Алимова (41-боғча), Ш. Абдураҳмонова (27-боғча) ва З. Мирзаахмедова (7-боғча)лар муяссар бўлдилар.

Акбар АЛИЕВ.

«ЛЕМКЕН» ФИРМАСИ БИЛАН

«ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхонаси» ҳиссадорлик бирлашмаси плуг, культиватор, кўрак тераднган машиналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир корхона жамоаси маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини пасайтириш ҳисобига даромадни кўпайтириш имкониятларини ўрганяпти. Олмониянинг «Лемкен» фирмаси билан қўшма корхона тузиш борасидаги изланишлар шу йўлда қўйилган дастлабки қадам бўлди. Бу йил 300 та плугнинг асосий ишчи қисмларини олиб келиш юзасидан шартнома тузилди. Фирма етказиб берадиган бу қисмлар пишиқ ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Жумладан, шу ерда тайёрланаётган плугларнинг баъзи қисмлари бир неча гектар ерни ҳайдагандан кейин ўзгартирилаётган бўлса, «Лемкен» фирмасидан олинадиган шундай қисмлар ерни чукур ҳайдаш билан бирга бир неча юз баравар кўп иш қилиш имконини беради.

Раҳим ҚОДИРОВ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

... МУДОФААГА кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Зангиота туман бўлими раҳбари Абдумавлон Муродов фахрийларни бир пиёла чойга таклиф қилди. Кексалар ташкилотининг «Маънавият ва маърифат» хонаси, у ердаги республикамиз ҳаётига оид ахборотлар, қўлланмалар, кўргазмалар, китоблар билан танишишди. «Ёшларимиз миллий руҳда тарбиялаяпти» ёки «Ёшларимиз миллий руҳда тарбиялаяпти» ёки «Ёшларимиз миллий руҳда тарбиялаяпти» ёки

ҚОНУН — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Инсон ҳақида, унинг туб манфаатлари ва эҳтиёжи ҳақида ғамхўрлик қилган жамиятгина гуллаб-яшнайди, келажакка дадил боқади, кундан-кун обрўси ошиб, халқаро майдонда ҳам тезда кўринади. Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик давлатини барпо этишда ана шу эзгу ниятлар кўзланган бўлиб, республика ҳукумати Конституцияда илгари сурилган муқаддас қоидаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Демократик тамойилларни жамият ҳаётига сингдириб бораётган, инсон қадр-қиммати ва шаънини улуғланаётган республикамизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эътироф этилибгина қолмасдан, балки ана шу ҳуқуқларни кишилар онгига сингдириш, уларни жамият қонун ва қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялашга ҳам эътибор ортди.

Маълумки, инсон ҳаёти-қонуний қўриқланадиган олий ижтимоий аҳамиятга молик қадрият бўлиб, на жамият, на бирон бир ташкилот ва шахс ўзганинг ҳақ-ҳуқуқини бирон-бир тарзда камситиши ёки бузиши мумкин эмас. Дунёдаги илғор маданиятли давлатларда бу соҳада тўпланган тажриба республикамизда муваффақиятли қўлланмоқда.

Демократик руҳ билан суғорилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланган инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун изчил амалий ишлар қилинмоқда. Энг аввало, шу соҳада қабул қилинган қонунларнинг устиворлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасида шу йил 28 февралда 1996 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқида инсон манфаатлари йилида, айниқса, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек жуда муҳим масалани атрофлича таҳлил қилиб берди. «Биз илгари ҳам, яъни бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келганмиз», деди Президент.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда муҳофаза қилишнинг ҳамма воситаларини яхлит уйғунлаштириб, бугун уни умумдавлат иши даражасига кўтариш масаласи қўйилмоқда. Айниқса, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги давлат режасини қатъий амалга оширишнинг муҳим чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Мана, яқинда Президент фармони билан ташкил этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази иш бошлади. Умуман, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қадр-қиммати ва шаънини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган қўплаб муассасалар ва жамоатчилик ташкилотлари ишлаб турибди.

Ҳуқуқий демократик давлат қуришга киришилган экан, энг аввало жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва бурчларининг мазмунини, моҳиятини, қонунларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши маромини чуқур англаб олишига, онгига сингдиришига эришиш талаб этилади. Маълумки, ўтган қисқа вақт ичида Мустақил давлатимизнинг анчагина қонунлари яратилди.

Очиғини айтиш керакки, бу қонун ва маромий ҳужжатларни нафақат кенг халқ оммаси, балки кўпгина мансабдор шахслар ҳам ўқиб, ўрганиб, ўзлаштириб олмаганлар. Бунинг оқибатида, айниқса, мансабдор шахслар томонидан айрим ҳолларда инсон ҳуқуқлари поймол этилиб, унинг арзи-додига нисбатан бефарқ қараш ҳоллари учраб турибди. Бу кишиларнинг жамиятга нисбатан ҳурмат-эътиборини, ишончини маълум даражада пасайтиради.

Тошкент давлат юридик институти қошида фаолият кўрсатаётган «Инсон ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази» ёшларнинг ҳуқуқни, айниқса, халқаро ҳуқуқ маромларини чуқур ўрганиб олишлари, ҳуқуқий билимларни эгаллашлари учун бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Марказнинг мақсади — инсон ҳуқуқи соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, олий ўқув юртлари учун ўқув дастурларини яратиш ва амалиётга жорий этиш, халқаро жамоатчилик вакиллари иштирокида семинар ва конференциялар уюштиришдек хайрли ишларни амалга оширишдан иборат.

Ҳаётимизга, демократик жамият қурилишига дадил кириб келаётган янгиликлар, чуқур ўзгаришлар, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, инсоннинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати инсон манфаатлари йилида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг яхлит дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этишга киришди. Унда қандай йўналиш ва муаммолар ўз ифодасини топган? Шуларга эътибор қилайлик.

Биринчидан, шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш қатъий қилиб қўйилди. Албатта, бу муаммони ҳал қилиш иқтисодий ислоҳотларнинг қанчалик изчил амалга оширилишига боғлиқдир. Сир эмаски, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ютуқлар билан бирга кўпгина камчиликлар, масъулиятсизликлар мавжуд, топширилган иш учун жавобгарликни ҳис этмаслик, халқнинг ишончини оқламаслик, айрим ҳолларда ўз манфаатини устун қўйиш ҳоллари рўй бермоқда. Айниқса, бозор иқтисодиётини рўкач қилиб таъмагирлик, порахўрлик, хат ва шикоятларга бефарқ қарашлик ҳоллари кўпайиб кетди. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш тамойилларига бутунлай зид бўлиб, уни кемиришга хизмат қилади.

«Бор саъй-ҳаракатимиз, амалий ишларимиз билан одамларни мунтазам ишонтириб бормоғимиз керакки, — деб таъкидлади Президентимиз, — ислоҳотлар жараёнида фақат уларнинг ўзлари фаол иштирок этган тақдирда, белгиланган мақсадларга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб, тер тўккан тақдирда, ислоҳотларни олға силжитиш, чуқурлаштириш мумкин?» Бу сўзларнинг қайта-қайта такрорланишида чуқур маъно бор. Жамият ўз аъзоларининг якдиллиги, уюшганлиги, жонкуярлиги, ўз юртига қанчалик сидқидилдан хизмат қилиши билан кучлидир.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида республикамизда инсон ҳуқуқини кафолатлайдиган шароит вужудга келтирилди. Ҳокимиятнинг суянчиқ устунлари: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларининг аниқ вазифалари белгилаб олинди. Илгаригидек, ҳокимият бир томонда, партия ташкилотлари иккинчи томонда ҳукмронликка эришиш учун зўравонлик қилиш қонунларни суиистеъмол қилиш ҳолларига чек қўйилди. Президент маҳаллий ҳокимият органларининг биринчи даражали иши — бу инсон ҳақида, унинг талаб ва эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат деб, бир неча бор таъкидламоқда. Афсуски, айрим ҳолларда фуқароларнинг оддий ҳуқуқларини адо этишда бузишлар, эътиборсизликлар рўй бермоқда. Қишлоқда меҳнат қилаётган деҳқон топширган маҳсулоти учун ойлаб ва ҳатто йиллаб ҳақини ололмаса, муаллим ёки шифокор, маданият ходими ойлаб маошини ололмаса, у қайси қонунга ишона олади. Ҳукумат мана шундай чалкашлик ва сансалорлик каби жамият тараққиётига салбий таъсир этаётган ҳолларга чек қўйиш чораларини кўрмоқда. Кейинги вақтда бу соҳада қабул қилинган фармонлар ва ҳукумат қарорлари мазкур йўналишда ижобий силжишлар бўлишига умид бахш этади.

Учинчидан, инсоннинг маданий, маънавий интеллектуал лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш 1997 йилга мўлжалланган дастурнинг муҳим жиҳатини ташкил этади. Маънавият масаласига жуда катта эътибор берилган. Зеро, бусиз адолатли, инсонпарвар, демократик жамиятни барпо этиш мумкин эмас. Кўзланган олижаноб мақсадга етиш учун, энг аввало, иймон-эътиқодли, юксак маданиятли, чуқур билимли, энг муҳими Ватан учун жонкуяр, уни кўз қорачиғидек асрашга қодир инсонни тарбиялаш лозим.

Бозор муносабатлари, иқтисодий қийинчиликлар, пул топишга киришиб кетиш оқибатида маънавият унутилмаслиги керак. Биргина мисол: китоб ҳар қандай жамиятда маънавиятни шакллантирадиган, уни мустаҳкамлайдиган, ўқимишлилик, маданиятлилик даражасини белгилайдиган муҳим омил. Тошкент шаҳридаги кўпгина китоб дўконларининг ёпилиб кетганлиги ёки биносининг ярми тижорат дўконларига айлантириб юборилганлигини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Ҳамид Олимжон майдонидаги бой китоб дўкони ёпиб қўйилган. Болалар дунёси магазини ёнидаги китоб дўкони таъмирлаш ишлари баҳона ишламайди. Навоий кўчаси ва Кадишев кўчасидаги китоб дўконларининг асосий қисми тижоратга бериб юборилган. Китобсевар халқимизнинг эътиқодини бундай сўндириш маънавиятга катта зарар келтириши шубҳасиздир, бу шахснинг маънавий камолотини сўндириш демакдир.

1997 йил учун ишлаб чиқилган дастур юқоридаги муҳим йўналишларни ҳал этишга хизмат қилиб, унинг асосий моҳияти инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Назирбой ТОЖИБОЕВ,
Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент юридик институтининг доцентлари.

ШИФО ИСТАБ БОРСАНГИЗ...

ҚИШЛОҚ жойларида тиббий хизмат кўрсатиш, ростини айтганда кўнгилдагидек эмас эди. Бугунги кун талабига жавоб бермасди. Шунинг учун ҳам уни яхшилаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда шундай сатрларни ўқиймиз: «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фельдшер-акушерлик пунктлари ва биринчи ёрдам кўрсатиш бошқа муассасаларини қишлоқ даволаш шифохоналарига айлантириш ҳисобига қишлоқ соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, ҳокимликлар билан биргаликда уларни малакали дўхтирлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан таъминласин».

ТОШКЕНТ вилоятида ушбу қарорнинг бажарилишига жиддий киришилди. Ўтган йили 15 та қишлоқ врачлик амбулаторияси қишлоқ даволаш шифохонасига айлантирилди, 5 та шундай янги муассаса қурилди ва улар тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар ҳамда малакали врачлар билан таъминланди. Яқинда эса шу мавзудаги 2 кунлик республика семинар йиғилиши айни вилоятимизда ташкил қилиниши ҳам бежиз эмас. Унда, республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари, бош врачлари иштирок этишди.

Йиғилиш қатнашчилари вилоят врачлар малакасини ошириш олийгоҳи фаолияти ҳамда Оҳангарон тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги шифохонага айлантирилган собиқ амбулатория биноси ва «Шодималик» жамоа хўжалигидаги қурилиши тугалланган янги шифохона билан танишдилар.

Хўш, янги шифохонанинг амбулатория ёки фельдшер-акушерлик манзилидан фарқи нимада?

Бу жойда бир ярим минг киши учун малакали, умумий шифокор хизмат кўрсатади. Шифохона 44 хил тиббий асбоб-ускуна билан жиҳозланган. Муолажа, физиотерапия, таҳлил, рўйхатга олиш, кўрик, эмлаш, доя, ҳамшира кабилар учун 12 та хонаси бор. Ҳомиладор аёлларга алоҳида шароит яратилган. Кичик жарроҳлик хонаси эса қишлоқ аҳли учун яна бир қулайлик вазифасини ўтайди. Янги услубдаги шифохонага мурожаат қилган киши шу ерда ётиб даволанади. Туман марказидаги шифохонага қатнаб, ҳам вақтини, ҳам маблағини йўқотмайди.

— Шифохонага 2,5 миллион сўмлик асбоб-ускуна, 500 минг сўмлик мебель анжомлари, биттадан «Дамас» тез ёрдам машинаси олиб бердик, — дейди Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Содиқов, — бизга вилоят ҳокимлиги яқиндан кўмаклашмоқда, натижада 20 та янги услубдаги шифохонамизни барча асбоб-ускуна, дори-дармон ва «Дамас» тез ёрдам машиналари билан таъминлашга эришдик. Лекин бу ишларни шунчаки хўжакўрсинга қилинаётибди, деб тушунмаслик керак. Мақсадимиз қишлоқ аҳолиси саломатлигини яхшилаш, узоғини яқин қилиш. Бу йил охиригача қишлоқ жойларидаги 120 та фельдшер-акушерлик манзилларини қисқартириб, ўрнига 5 чақирим теварақда яшовчи аҳолини қамрайдиган 25 та янги услубдаги замонавий шифохоналар барпо қилинади.

Дарҳақиқат, энди чин маънодаги кичик шифохона қишлоққа кўчмоқда. Унинг афзалликлари кўп. Буни йиғилиш иштирокчилари ҳам эътироф этишди. Хуллас, бу жойга шифо истаб борсангиз, туман, вилоят марказига югурмасдан, даво топасиз.

— Илгари дўхтирнинг олдига, ҳув, шаҳарга борардик, худога шукурки, шундоқ ёнимизда барча имкониятлари муҳайё бўлган сиҳатгоҳ барпо қилса бўларканку, — дейди қувониб хўжалик ишчиси Д. Усмонов.

Семинар—йиғилиш ишида республика Соғлиқни сақлаш вазири академик Шавкат Каримов қатнашди.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Суратларда: Бекобод туманидаги Мавлонов номли жамоа хўжалиги ҳудудида янги ишга туширилган қишлоқ врачлик шифохонаси ана шундай миллий услубда қурилган; муолажа пайти.

Даврон АҲМАД тасвирга туширган.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

ВИЛОЯТ ҳокимлиги ва касаба уюшмалари кенгаши болалар ва ўсмирларни ёзги дам олишини ташкил этиш, соғломлаштириш масканларини мавсумга тайёрлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бормоқда. 1996 йилда вилоятда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш режаси 145 фоизга бажарилган эди. Оромгоҳларда ва мактаблар ҳузуридаги дам олиш масканларида, жумладан, 31 мингдан ортиқ бола дам олди. 1997 йил республикамизда инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Шундай экан, болаларнинг ёзги соғломлаштириш масканларини мавсумга тайёрлаш, жойларда фарзандларимизнинг дам олиб, саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар ўтган йиллардагидан ҳам пухта ташкил этилиши лозим.

Куни кеча вилоят ҳокимлигида 1997 йилда болаларнинг ёзги дам олиши ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишга бағишланган йиғилишда юқоридаги фикрлар алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, вилоят касаба уюшмалари кенгашининг вакиллари, тармоқ касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, қатор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова олиб борди.

Ушбу масала юзасидан ахборот берган вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова асосий диққат-эътиборни ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларга қаратди.

Ҳозиргача вилоятимиз ҳудудидаги соғломлаштириш масканлари тўла текширувдан ўтказилди. Уларнинг асосий қисми мавсумга тайёр этилмоқда. Лекин, айрим корхона ва ташкилотлар иқтисодий қийинчиликларни баҳона қилиб, барча қулайликларга эга бўлган болалар масканларини мавсумга ҳозирлашда сусткашлик қилмоқдалар. Шунингдек, оромгоҳларни таъмирлаш, жиҳозлаш, зарур ҳодимлар билан мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор муаммолар мавжуд эканлиги айтилди.

Йиғилишда тегишли бўлим ва бошқармаларга, шаҳар, туман ҳокимликларига, касаба уюшмалари қўмиталарига, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига камчиликларни тезда бартараф этиш, оромгоҳларни мавсумга сифатли тайёрлаш, болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишини ҳар томонлама пухта ташкил этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

ЧАҚИРУВНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

МУСТАҚИЛ республикамиз қуролли кучлари сафида хизмат қиладиган ёшларни соғлом қилиб тарбиялаш, уларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга жалб этишни пухта ўтказиш, ҳар томонлама жисмоний чиниққан йигитларни чақириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис жойларда тайёргарлик ишларини жонлантириш, айниқса, баҳорги чақирувни намунали ташкил этиш шу кунниг асосий вазифасига айланмоқда.

29 март куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришга тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят чақирув комиссиясининг аъзолари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, шаҳар, туман ҳарбий идораларининг бошлиқлари, тегишли бўлим, бошқармаларнинг бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят чақирув комиссиясининг раиси Дилбар Жаҳонгирова бошқарди.

Баҳорги чақирувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят мудофаа ишлари бўйича бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Раҳматилла Тошхўжаев ахборот берди. Унда таъкидланишича, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш бўйича баҳорги мавсумни пухта ташкил этиш учун анча ишлар қилинмоқда. Ёшларни ҳарбий чақирувга тайёрлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш, чақирув ўтказиладиган бинолар ва хоналарни зарур воситалар билан жиҳозлаш юзасидан қатор қўшимча ишлар амалга оширилди.

Лекин, айни вақтда шаҳар ва туманларда бу масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Белгиланган тадбирлар тўлиқ бажарилмаяпти. Айрим туман ва шаҳарларда чақирув ёшидаги йигитларни олдиндан рўйхатга олиш, улар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш, муддатли ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича етарли ишлар қилинмаяпти. Буларнинг ҳаммаси чақирув мавсумини ўтказишда ўзининг, салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Йиғилишда жойлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, баҳорги чақирув мавсумини намунали ўтказишни таъминлаш юзасидан қилиниши зарур бўлган барча масалалар борасида батафсил тўхталинди. Чақирув пунктларини тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш, ҳарбий ўқув хоналарини қайта жиҳозлаш, бу ишга жалб этилган тиббий ва бошқа ходимлар билан жиддий ишлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, чақирув участкаларини транспорт воситалари билан таъминлаш юзасидан ҳам аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тартибига киритилган айрим ўзгартиришлар ва янгиликлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

ТИЛОВОЛДИ ОТАНИНГ РЕЖАЛАРИ КАТТА

Янгийўл туманидаги «Халқобод» қўрғонида яшовчи Тиловолди Мақсудов ўзидан тинган, пиру-бадавлат отахонлардан. Жўжавирдай оиласида ўғил-қизлари, қўшақўша келину қуёвлари, набиралари бор. Аммо, у айни кексаликнинг гаштини суриб ётадиган пайтида хўжаликдан 8 гектар ер ва шунга яраша қорамол олиб, фермерлик ташвишига тушиб қолди. Каттагина оиласи ҳам шу ишга бош қўшди. Улар бу йил 5 тонна гўшт, 15 тонна сут етиштиришни мўлжаллашяпти.

— Хўжалигимиз оёққа мустаҳкам туриб олди. Молларнинг бош сони ва маҳсулдорлиги ошиб боряпти. Келгуси йилда 40 тонна сут ва 12 тонна гўшт етиштирадиган бўламиз, — дейди Тиловолди Мақсудов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг деҳқон-фермер хўжаликларига кўрсатаётган ғамхўрлигидан ғоят миннатдормиз. Чиндан ҳам тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилмай туриб ривожланишга эришиб бўлмайди. Мана, ўзимдан мисол, қорамолларим етарлигу, аммо ерим оз. Ҳар бош қорамолга фақат 19 сотихдан ер тўғри келяпти. Бу кам албатта. Қачонки пичан, силос ва сенаж ўзингдан етарли микдорда чиқса, мол ем еб турса, гўшт ва сутни кўпайтириш мумкин...

Тиловолди отанинг кўнглига тугиб қўйган яна бир режаси бор. Чорвачилик фермасини тўла механизациялаштирмоқчи. Шунингдек, қишлоқда сутни қайта ишлаб бринза, сариёғ, қаймоқ, сузма тайёрлайдиган кичик корхона қуришни ҳам мўлжаллаяпти. Яхши ният ярим мол, деган гап бор халқимизда. Ота мақсадларига албатта етади.

Суратда: Тиловолди ота Мақсудов набираси билан.

Матн ва сурат ДАВРОН АҲМАДники.

Баҳор юмушлари

ТЎРТ БРИГАДА ЯКУНЛАЯПТИ

ОҚҚЎРҒОН туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 60 гектар майдонда пленка остига чигит экилади. Ваҳоб Қорабоев, Абдулла Эргашев, Очил Умаров, Хоназар Олимов бошлиқ бригадаларда бу иш тугалланмоқда.

Хўжаликда 2 та махсус сеялка билан уруғ экиляпти. Бош ҳосилот Раҳим Ортиқбоев ва бош муҳандис Турғунали Халилов раҳбарлик қилаётган ҳосилот гуруҳи экиб бўлинган пайкалларни синчиклаб текшириб қабул қилиб олмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ.

МАРРА — ЭРТА ЭККАННИКИ

«ЭШОНОБОД» жамоа хўжалигининг Ўринбосар Мамбетов бошлиқ бригадаси Чиноз туманида биринчи бўлиб пленка остига чигит экишга киришган эди. Ҳозир бу ерда кунига 3-4 гектар майдонга янгича усулда уруғ ташланмоқда. Бу ишни чорак асрдан бери механизаторлик қилиб бой тажриба тўплаган Яхё Маматхонов, сеялкачилардан Тўрахон Кукенов, Парда Муротов, Абдурахмон Мамбетов, Саидахмад Сухановлар ёрдамида бажаряпти. Бригада аъзолари бу йил 57гектар майдоннинг 40 гектарида шу усулда чигит экиб 40 центнердан ҳосил етиштиришни режалаштиришган.

— Андижонча усулда чигит экишни тобора авж олдираётган бундай бригадалар туманимизда кўп, — дейди туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Абдурахмон Қаршибоев. — Бу йил тажриба тарикасида 840 гектар майдонда шу усулда ғўза ўстирмоқчимиз. 3 апрелдан бошлаб эса 6018 гектар ерда оддий усулда чигит экишни бошлаб юборамиз. Бу ишни қисқа вақт ичида сифатли қилиб ўтказиш учун барча имкониятлар бор.

Рустам КАМОЛОВ,
Абдужалол РАҲИМОВ.

ДАМ ҒАНИМАТ

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани хўжаликларида андижонликлар тажрибаси асосида пленка остига чигит экиш қизғин давом этяпти. «Ҳақиқат», «Қайтмас», «Қорасув» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаларида бу иш айниқса намунали йўлга қўйилган.

— Экишнинг тез ва соз бораётгани кўп жиҳатдан мавсумга пухта тайёргарлик билан киришилгани натижасидир, — дейди туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Саид Абдуллаев. — Деҳқонларда янги усулга кўникма ва тажриба ҳосил қилиш мақсадида хўжаликларнинг мутахассислари, бригада бошлиқлари ва механизаторлари иштирокида бир неча марта амалий семинарлар ўтказдик. Андижон вилоятидан келган мутахассислар хўжаликларда бўлиб, янгича усулда чигит экишни ўргатдилар. Хитойдан ғўзаларнинг ўсишини тезлатиш ва эрта ҳосилга киришини таъминлаш имконини берадиган Со Же Ан кимёвий моддалар ҳам олиб келинди ва хўжаликларга тарқатилди. Семинарларда улардан фойдаланиш йўл-йўриқларини ҳам деҳқонларга тушунтирдик.

Ўтказилган тадбирлар биринчи кунданоқ экишни ҳеч бир қийинчиликсиз сифатли қилиб ўтказиш имконини беряпти. Бу йил туманда жами 1801 гектар ерда пленка остига чигит экилади. Экишнинг бориши бу ишни бир ҳафта ичида тугаллаш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ.

БУ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Вилоят ҳокимлиги ҳузурида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси фаолият кўрсатаётганига анча бўлди. Бу комиссия ўз йиғилишларида вилоятимиз худудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни чуқур муҳокама этиб, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни ечимини топиш устида ишламоқда.

Яқинда ушбу комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1996 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда комиссиянинг 1997 йилги иш режалари муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Ҳамидулла Асадов бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати бошқармаси бошлиғининг муовини Миркомил Йўлдошев маъруза қилди. У ўз нутқида вилоят худудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида бажарилган ишлар тўғрисида тўхталар экан, 1996 йилда содир этилган 1457 та йўл-транспорт ҳодисаларининг туб сабаблари ва давлат автомобил назорати бошқармаси олдида турган муаммолар ҳақида гапирди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан «Вилоятйўловчитранс» концерни бош муҳандиси Аҳмад Азимов, «Тошвилюктранс» концерни бошлиғи Собир Юсупов сўзга чиқдилар.

1997 йил — инсон манфаатлари йили. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, инсонни транспорт ҳодисаларидан муҳофаза этиш ана шу манфаатларнинг бир бўлагидир. Шундай экан, йиғилиш иштирокчилари бу масалаларни ҳал этишда жамоатчилик, корхона, ташкилот раҳбарлари ва барча фуқароларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш мақсадида вилоятимизнинг барча аҳолисига ва автотранспорт бошқарувчи фуқароларга қарата мурожаатнома қабул қилдилар. Унда жумладан, шундай дейилади:

— ҳаётимизни автотранспорт хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилар оғирини енгил, узоғини яқин этаётган транспорт воситаларининг сони йил сайин ўсиб бормоқда. Айни вақтда улар иштирокидаги муаммолар, йўл-транспорт ҳодисалари сони ҳам кўпаймоқда. Ўтган йилда вилоятимиз худудида 1457 та йўл-таранспорт ҳодисалари юз берди. 290 фуқаро ҳалок бўлди. 1707 киши тан жароҳати олди. Айрим шаҳар ва туманларда ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилаётган бундай ҳодисалар сезиларли кўпайди. Уларнинг ҳаммаси автотранспорт ташкилотлари раҳбарлари ва барча фуқаролардан зудлик билан хулоса чиқариб, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Хусусан, транспортларнинг техник ҳолатини доимий назорат этиб бориш, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига қатъий риоя этиш, айниқса, мактаб ўқувчиларининг кўча ҳаракати билан боғлиқ ҳуқуқий тарбиявий маданиятини ошириш, спиртли ичимликлар ичиб транспорт воситаларини бошқаришга чек қўйиш, техник носоз, атроф муҳитга, экологияга зарар етказувчи автотранспортлар ҳаракатига йўл қўймаслик, автотранспортни санитария-гигиена қоидаларига мувофиқ сақлаш ва фойдаланиш бу борадаги энг муҳим вазифалардир.

Инсон манфаатлари йилида вилоятимизнинг барча худудларида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

Келинглар, бу саъй-ҳаракатдан ҳеч биримиз четда қолмайлик!

Биз ишонган тоғлар...

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ... *Қадим афсонаю-ривоятларда мадҳ этилган, халқ достонларию-ўланларида куйлаб келинган мардлик ва жасурлик тимсоли... Дарҳақиқат, ўзбек йигити деганда курашларда елкаси ерга тегмаган, сўзда ҳозиржавоб, меҳнатда матонатли, ориятли баланд, хушхулқ ва алпқомат бир сиймо гавдаланади кўз ўнгимизда. Дунёга Амир Темурдек, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ибн Синодек улуғ алломаларни берган халқнинг нафақат ўтмиши, балки келажаги ҳам ёруғ! Халқимиз шунга ишонади ва ҳар бир авлодда шундай баркамол инсонлар етишиб чиқиши учун қайғуради.*

Хўш, биз ишонган ва суянган бугунги кун йигитлари бундай ишонч ва эътиборни қай даражада оқламоқдалар? Баъзан учраб турадиган йигитлик шаънига номуносиб хатти-ҳаракатлар, тарбиядаги айрим заифликлар қаердан пайдо бўлмоқда? Биз ота-боболаримиз орзу қилган Мустақилликни қўлга киритган эканмиз, энди унинг асосий масъулияти, келажаги, тақдири айнан йигитларнинг зиммасидадир! Модомики шундай экан, биз гарчи кичкина туюлсада, бу каби камчилик ва муаммолар билан елкамиздаги МАСЪУЛИЯТНИ тўла адо этолмаймиз! Демак, йигитлар ҳақида чуқурроқ ўйлайдиган вақт етишди...

Биз ана шуларни мулоҳаза қилиб, «Тошкент ҳақиқати» газетасида «Биз ишонган тоғлар...» саҳифасини ташкил этдик. Унда эркакларнинг нафақат жамиятда, балки ижтимоий ҳаётда, турмушда, оилада тутган ўрни ҳақида ҳам бахс юритиш ниятимиз бор. Марҳамат, саҳифамизнинг дастлабки сони ҳукмингизда! Ўқинг, мулоҳаза қилинг ва иштирок этинг...

ЮРТ ФАХРИ

Йигит борки, етти пуштигача номи қолар,
Йигит борки, етти кунда номи йўқолар.

(Ўзбек халқ мақоли).

Йигитлар ҳақидаги саҳифамизда қатнашинг, деган таклиф билан қўнгироқ қилишганда кўп ўйлаб ўтирмай рози бўлдим. Телефон гўшагини жойига қўйгач, иккиланиб қолдим. Тўғри қилдиммикан? Ахир йигитлар ундай бўлиши керак, бундай бўлиши керак, деб панд-насиҳатлар қилиш мен учун ҳали эрта эмасмикан. Чунки ўзимни ҳали ҳам йигитлар рўйхатидан ўчириб ташлаганим йўқ. Халқимиз бежиз айтмаганку, эркак киши қирқ ёшида қирчиллама йигит бўлади, деб. Кейин яна ўзимга тасалли бердим: шахсий фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашсам ҳеч зарари йўқ. Ахир шахсий фикр-шахсий фикрда, уни қўллаб-қувватлаш ҳам мумкин, қўшилмаслик ҳам...

Халқимизда қадим-қадимдан ўғил боланинг таълим-тарбиясига, одобахлоқига, айниқса, бирор касб-корни эгаллашига катта эътибор берилган. Чунки, касби бор инсон хор бўлмайди. Шунинг учун ҳам болани ёшликдан ота ўз касбига ўргатишга ёки унинг қизиқиши, интилиши ва ақувига қараб бирор бир устага шогирд қилиб беришга ҳаракат қилган. Негаки, инсон эгаллаган касби орқали ўз оиласини тебратади. Қолаверса, ота-оналар ҳам ўз ўғилларини: «ишонган боғим, суянган тоғим», деб эркалашар экан, эртага, қариганларида қилган меҳнатлари самарали қайтишини хоҳлашади.

Шу жойда, яқинда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб берай. Автобус сўнгги бекатга келиб тўхтади, барча йўловчилар тушиб бўлгач, янги йўловчилар чиқиб жойлашиб олишди. Автобусга кийимлари ғижимланган, кир, кўзлари қизариб кетган йигит кириб келди-да, бир мисра шеър ўқиди ва ўзини мен шоирман, шеърларимни кўплаб қўшиқчилар куйлайди, ҳозир шу аҳволга тушиб қолдим, ўн сўм беринглар, деб такрор-такрор зорлана бошлади. Устига-устак «Мен ҳам йигитман», деб қўшиб қўярди. Бир неча йўловчи пул узатди. У автобусдан тушгач, пулнинг бир қисмини ички чўнтагига жойлаб, кейинги автобус томон шитоб билан юриб кетди. Айниқса унинг: «Мен ҳам йигитман», деган сўзлари ҳеч қулоғимдан кетмайди.

ЙИГИТ! Бу сўз қандай мағрур жаранглайди. Лекин ҳалиги шахсга нисбатан бу сўзни қўллаб бўладими? Менимча йўқ! Соғлом, бақувват йигит учун бундай ҳолатда бўлиш асло тўғри келмайди! Агар у қўлига супурги олиб, ўша автобус ичини супуриб чиққанида ҳам, топган пули ҳалол бўларди. Ва шу йўл билан бўлса-да, оиласини тебратса ёки қари ота-онасини боқса кони савоб бўларди.

Масаланинг иккинчи томонини олайлик! Йигит киши нафақат оиласи, ота-онаси олдида масъул, унинг эл-юрт олдида, жамият олдидаги масъулияти ҳам беқиёсдир. азал-азалдан эр йигитга эл суянчи, юрт таянчи, Ватан ҳимоячиси, деб қараб келинган. Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидай сақлаш, унинг тупроқларини ғаним оёқлари топтамаслиги, халқининг бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш йигитларнинг муқаддас ва шарафли бурчи бўлган.

Бугун севимли ва жаннатмакон Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятига ишонч билан қўшилиб бораётган бир даврда бу масалалар янада долзарб ва ҳаётий заруратдир.

Яқинда биз Қуролли Кучларимиз ташкил толганлигининг беш йиллигини кенг нишонладик. Тарих учун бир лаҳза бўлган бу қисқа даврда жуда катта ишлар қилинди. Ўзимизда ҳарбий учувчилар тайёрланаяпти, ўзимизда Ҳарбий Академия очилди, биринчи бор умумҳарбий Низомлар ўзбек — она тилимизда чоп этилди. Қилинган ишларнинг саноғи кўп. Ҳарбийлар касбига бўлган муносабат кундан-кунга юксалиб бормоқда. Йигитларимиз ўз Конституциявий бурчларини сидқидилдан ўташмоқда. Бироқ, ҳаётда учраб турадиган баъзи қусурлар киши кўнглини қаттиқ ранжитади.

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Ранги синиқ, сочларини бутунлай қиров қоплаб олибди. Бир пиёла чой устида у сўнгги бир йил ичида бошидан ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Ўғлимга армияга чақирув қоғози келди. Хурсанд бўлдик. Йигитлик бурчини ўтаб келсин. Ўзимиз узоқ ўлкаларда бетон, ғишт ташиб хизмат қилгандик. Бугун фарзандларимиз ўз юртимизга хизмат қилади. Дўсту-ёрларини чақириб, кузатув маросимини ўтказиб бердим. Қариялар, «ой бориб, омон келгин», деб дуо қилишди. Бироқ, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, тун қоронғусида кириб келди. Уйни соғинганмиш. Ўз ҳисобимдан сарф-харажат қилиб, қисмига олиб бориб қўйдим. Бу нарса бир неча бор такрорланди. Қилмиш-қидирмиш деганларидай, бугун қонун олдида жавоб бериб, жазосини ўтаяпти. Маҳалла-қўйда юролмай қолдим. Худди ҳамма менга қараб, ана, «қочоқнинг» отаси келаяпти, деяётгандай туюлади, — деб ҳасратини айтди.

Ҳа, халқимиз «Яхши бола ёмон отага раҳмат келтиради, ёмон бола яхши отага лаънат келтиради», деб бежиз айтмаган. Аммо бу воқеанинг содир бўлишида атрофдагиларнинг, мактаб, қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг ҳам айби йўқ эмасмикин? Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: «Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор», — деган пурмаъно ва исбот талаб қилмайдиган сўзларини эслатгим келади.

ЙИГИТЛАР! Азиз Ватанимиз буюк келажагининг пойдевори бугун қўйилмоқда. Бу улкан ишларни амалга оширишда эл суянчи, юрт таянчи БИЗ эканлигимизни асло унутманг!

Ирисмат АБДУКАРИМОВ,
«Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири, подполковник.

ЙИГИТ СЎЗИ

ЁЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

...УЛАР дорилфунунда бирга ўқишди. Эҳе, талабалик йиллари... Бир юртнинг икки чеккасидан илм истаб пойтахтга келган Мастура ҳам, Абдулла ҳам бир-бирларини самимий ёқтириб қолишганди. Бир оқшом театрдан қайтаётиб, Мастура дил изҳори қилган Абдулланинг елкасига оҳиста бош қўйди:

— Мен ҳам сизсиз яшай олмасам керак... Энди ихтиёрим сизда. Биз бирга бўлишимиз керак...

— Албатта. Институтни тугатамиз-у, тўй қиламиз...

— Унгача бир йил бор... — эркаланади қиз.

— Биласизми, Мастурахон, сиз мен учун дунёдаги энг чиройли, энг бокира қизсиз, — унинг сочларини силаб шивирлайди йигит. — Сизнинг шаънингиз мен учун ҳамма нарсадан муқаддас. Ҳали кўрасиз, биз катта тўй қиламиз, элга ош берамиз... Ўшангача сизни эҳтиёт қилиш, аввайлаш менинг бурчим, қолаверса виждоним амри. Мен ҳеч қачон йигит сўзимдан қайтмайман...

Мастура бу олийжаноб сўзлардан титраб кетди-ю, ўзини Абдулланинг бағрига отди. Унинг кўзлари жиққа ёш эди...

Ўша талабалик йиллари бўлиб ўтган яна бир воқеани сўзлаб берай, азизлар. Тарих факультетида Озода деган бир қиз ўқирди. Бизнинг маҳаллалик, ўша факультетнинг тўртинчи курсида ўқийдиган Азамат исмли йигит уни севиб қолганди. Уларни деярли ҳар куни дарсдан сўнг жуфт каптарлардай бирга кетаётганларини кўрардик, худди Тоҳир-Зуҳроларнинг ўзи дейсиз... Орадан кунлар, ойлар ўтиб, талабалар ўртасида бир гап тарқалиб қолди: нима эмиш, Азамат Озоданинг уйига совчи юборибди, аммо қизнинг ота-онаси совчиларга рад жавоби берибди. Қиз эса, «Ўламан ато, шу йигитдан бошқасига тегмайман» деб туриб олибди. Оқибат, бу можаро хунук тугади. Йигит қизни олиб қочиб кетди. Маҳалладаги гап-сўз, миш-мишлар... Ота-она шўрликнинг ўша дамдаги ҳолатини бир кўз олдингизга келтиринг-а! Ва ниҳоят қизни топиб, уйга олиб келишди ҳам. Лекин Озоданинг номуси топталган эди. Ота-она ноилождан тўй қилиб, қизни ўша ошиқ йигитга узатишди. Бироқ, не сабабдандирким, бу оила бир йилга қолмай бузилиб кетди...

Бу икки воқеани эслашдан мақсад, бизнинг бугун йигитлик шаъни, йигитлик виждони хусусида фикр юритмоқчимиз. Юқоридаги ҳар иккита воқеа ҳам айнан ҳаётдан олинган. Биринчи ҳикояда йигитнинг олийжаноблигини, мардлигини кўрсак, иккинчи воқеада эса фақат ўзини ўйлайдиган, номард йигит қиёфаси кўз олдимизга келади. Табиийки, бу икки ҳолатнинг мазмунини ортиқча изоҳлаш шарт эмас.

Аслида ЙИГИТ деган сўзнинг тагида, унинг жарангида мард инсон сиймоси гавдаланади. Баъзан йигитлик шаънига номуносиб иш тутган кишиларга «йигитмисан ўзинг!» деб дашном берадилар. Ҳа, йигит сўзи битта бўлиши керак! Пасткашлик, майда сўзлик, ёлғон гапириш, бевафолик, ўз дўстига панд бериш, аёлларга қўл кўтариш каби ноўрин қилмишлар йигит кишига ярашмайди. Баъзан ўз ота-онасини ҳурмат қилмайдиган фарзандлар ҳақида ҳам эшитиб қоламиз. Албатта, ўғил катта бўлгач, уйланиб, уй-жой қилиб, алоҳида оила бўлиб чиқиб кетади. Шундайлар ҳам борки, бундай пайтда гўё «иши кўпайиб кетиб», кучдан кетиб, қариб қолган ота-онасидан хабар олмай қўяди. Ахир улар энди худди гўдакдек, сизнинг ёрдамингизга, меҳрингизга муҳтож бўлиб қолишган-ку!

Ривоятларга қараганда, бир одам пайғамбаримиз ҳузурига келиб:

— «Ё Расулуллоҳ, онам жуда кексайиб, боладек бўлиб қолди. Гўдакларга ўхшаган ишлар қиладди. Ўрнидан тура олмайди. Сувни ҳам ўз қўлим билан ичираман, таҳоратга ёрдам бераман, саждага (намоз ўқиш жойига) опичиб кўтариб бораман. Ё Расулуллоҳ, мен онамнинг ҳаққини ўтай олдимми ё йўқми?» — деб сўради.

Шунда пайғамбаримиз: «Волиданнинг ҳаққининг бирини ҳам ўтай олганинг йўқ» — дедилар.

Ул одам: «Нечун, ё Расулуллоҳ! Мен онамнинг бир айтганини икки қилмайман-ку!»

Расули Акрам Саллаллоҳу Алайҳи Вассалам яна дедилар:

— «Волиданг сенга, ўғлим ўсиб улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин, деб хизмат қилиб, опичлаб юрарди. Сен эса унга, «қачон ўларкин, ўлса қутулардим» деб хизмат қиласан. Булар орасида тоғдек, осмон билан ерчалик фарқ бор! Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида яна бир жиҳат бор. Сен онангга қанча хизмат қилсанг ҳам унинг ҳаққини ўтай олмайсан. Буни яхшилаб билиб ол. Ҳеч бир фарзанд ота-онанинг ҳаққини ўтай олмайди. Шуни яхши билгинки, сен онангга хизмат қилсанг Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва Онанинг розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади».

Бу ҳикмат сиз азиз фарзандларга, ва аввало, йигитларга таллуқлидир. Ота-онасини бошида кўтариб юрадиган мард, олийжаноб йигитлар кўп орамизда. Кексаларга ҳурмат, ота-оналарга иззат-икром, андиша қадим-қадимлардан қон-қонимизга сингиб, миллий урф-одатларимизга айланиб кетган.

«Йигит кишига етмиш ҳунар оз», дейилади халқ мақолида. Ҳар бир аёл орзу қилиши мумкин бўлган ўғлон ўз ақли, ҳунари, ишбилармонлиги, олийжаноблиги билан ўз номига муносибдир. Бир қадрдон акахонимиз бўларди, Анвар ака деган. Ўзлари олим, илми билан бирга кўп ҳунарманд, меҳнаткаш инсон эдилар. Бир ташландиқ жойни олиб, иморат қурдилар, атрофни обод қилдилар. Уч ўғиллари бор эди. Эркин, Бахтиёр, Улуғбек деган. Улар ҳали ёш бўлсалар ҳам оталари ёнига кириб, эртаю-кеч бирга қурилишда ишлаганларининг гувоҳиман.

Анвар ака оламдан кўз юмиб кетгандан кейин, ҳамма иш шу ўғилларга қолди. Улар ота ишини давом эттирдилар. Эркин ҳунарманд уста, Бахтиёр бўлса машина тузатиш билан машғул, Улуғбек эса радио, телевизор, магнитофон ва бошқа асбоб-ускуналарни созлашга устаси фаранг. Аммо йиллар ўтиб, уларнинг меҳрибон оналари Муаззам опа оғир ҳасталикка йўлиқиб қолди. Уч ўғил, қизлар, келинлар унинг атрофида парвона. Айниқса, Эркин онасини ҳеч кимга ишонгиси келмайди... Рўзғордаги барча оғирлик унинг зиммасида.

Ҳа, ҳунарли йигит ҳеч қачон кам бўлмайди. Йигитнинг хусни-ҳунарда, деган сўзда ҳам чуқур маъно бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳар бир оилада ўзига яраша майда-чуйда ишлар бўлади. Электр дазмол бузилиб қолади ёки эшикнинг қулфи бузилади. Бундай вазиятда хонадон соҳиби майда-чуйда ишларни дид-фаросат билан бажарса оилага қанчалик енгил бўлишини кўз олдингизга келтиринг. Баъзи йигитларимиз пазандаликни ҳам қотиришади. Уйда қўлбола палов пиширишиб, оила аъзоларини мамнун қиладиганлар оз дейсизми? Ҳа, йигит кишининг қўлидан ҳамма нарса келиши керак. Қолаверса, бундай эркаклар уйнинг файзи, аёлларнинг жони. Ё шундай эмасми?!

Йигит ўз номи, маъно-моҳияти билан мард инсондир. Уни Аллоҳ шундай этиб яратган. Ўз сўзининг қадрини биладиган йигит оилада ҳам, давлат ишларида ҳам ўз ўрнини топади. Бир сўзлик, гапининг устидан чиқадиган фидойи йигитлар истиқболимиз келажаги учун ҳам айниқса зарур.

Замон ақл-идрокли инсонларники. Ўзбек йигити деган ном ҳамма вақт улуғ ва муқаддас сақланмоғи керак. Йигит сўзидан қайтмасин! Шунда оилада ҳам, жамиятда ҳам ишонч руҳи устивор бўлади, турмушимиз соғлом, ватанимизда тинчлик-фаровонлик бўлади.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

Туйғулар оламида

ҚАЛБ ДАФТАРИДАГИ БИТИКЛАР

ЕТИМ-ЕСИРЛАРНИНГ ҳаққига ҳиёнат қилган кимсадан ҳар нарсани кутса бўлади. Бундайларнинг қинғир кўнглини фақат гўр тузата олса керак...

* * *

АЁЛЛАРИМИЗНИ оғир меҳнат дея даладан олиб, енгил меҳнат дея бозорга солдик-а?! Ҳай-ҳай, биз эркаклар...

* * *

ИНСОН умри гўё соатга ўхшайди. Соат миллари рақамларни босиб ўтгани каби, инсон ҳам ҳаёт довонларини бир-бир босиб, янги манзиллар сари шошади. Соат маълум бир вақтда қўнғироқ чалганидек, инсон қалби ҳам лозим пайтда қўнғироқ чалади, бонг уради. Фақатгина сен ўша вақтда уни эшитсанг, уйғонсанг бўлди...

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли.
Тошкент шаҳри.

• *Улоқ йигитларнинг сарасига тегади...*

ТИЛАК

Гар михлансам тўшакка ногоҳ,
Енгиб қўйса жисмимни чарчоқ,
Сен онам, деб чекма болам оҳ,
Менинг уйғоқ руҳим бўлиб тур
Қалқони бор қиличдек ўткир!

Йўқотишлар очар баъзан кўз,
Мангу қийнар битта малъун сўз,
Юрагингни сирқиратмай бўз,
Ҳар сўзингда ҳушёр тур, болам,
Яхшиларга ёндош юр, болам!

Отангни суй худодек ёниб,
Дардларинг айт, жондай инониб,
Ўз гўшангдан кетма ҳеч тониб,
Отанг учун бўл ёниқ юлдуз,
Ифтихордан ёришсин бу юз.

Асли ҳеч ким фаришта эмас,
Фаришталар фанода кезмас.
Иблисларга қилма ҳеч ҳавас,
Яратгандан шуни сўрайман,
Пок сийратинг гулга ўрайман!

Ҳаётни сев, лаҳзалар олтин,
Шу ҳаётда борсан, қувондим.
Менку шеърга қайғумни солдим,
Сен умрингни гулдай безагин,
То келмасдан умр кузаги.

Яхшиларга ёндош юр, болам...

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

ЭРКАК «КЎЧАНИНГ ОДАМИ»МИ?

— Эркак кишининг фариштаси улуғ бўлади, — дейдилар онам. — Гапларини икки қилсанг борми, кўнгли озор топади. Уларни ранжитиш гуноҳ, болам.

— Э, намунча буларнинг ёнини оласиз, — дейман куюниб. — Мана, куёвингиз уйда қўлини совуқ сувга урмайдилар. Уй, иш, бола-чақа, бозор-ўчар ҳаммасига ўзим югураман. Ўтники ўтга, сувники сувга эканда...

— Сен ношукур бўлма, —дейдилар яна онам. — Эркак кишининг уйинг тўрида тоғдек бўлиб ётишининг ўзи бир давлат, агар билсанг. Шу одам бўлмаса, уйингдан файзу-барокат кетади!

Онамнинг сўзларидан гоҳо ҳушёр тортаман. Ва ўйлайман: «Уйимиздаги «фариштаси улуғ» одамнинг кўпам қадрига етмаяпман, шекилли». Умуман, момоларимиз, оналаримизга шу жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. Улар эркак зотига ўзгача эътиқод билан қарашади, измидан чиқишмайди. Ўтмишда ҳам эркакнинг деганидеган, айтгани-айтган бўлиб келган. Биз бўлсак... Балки айб биздa ҳам эмасдир. Ахир илгариги замонларда эркак пул топиб келган, аёл уни сарфлаган. Шу томондан аёл эркакка тобе бўлган. Бизнинг кунларимизда эса эрларидан кўпроқ пул топадиган аёллар бор. Ҳатто юртма-юрт тижорат сафарида юриб, эрини уйга «ўтказиб» қўйган аёллар ҳам учрайди. Демак, оилада ҳукмронлик аёл қўлига ўтади, эркак иккинчи даражали шахсга айланади.

Мен битта нарсага аминман: қай хонадонда аёлнинг тили узун бўлса, демак эркакнинг дасти қисқа. У аллақачон ўз жиловини аёлининг қўлига тутқазиб қўйган! Балки янглишаётгандирман. Масаланинг илдизи бошқа томондадир. Яъни, эру-хотин «қўш ҳўкиз» бўлмай, рўзғор араваси фақат аёл кучи билан юргизилаётганидадир. Эркак уйига меҳмондек келиб кетиши ва кўпроқ «кўча одами»га айланиб қолгани учун ҳам унинг оиласидаги иззат-ҳурмати пароканда бўлаётгандир, эҳтимол. Келинг, шу фикримизни кенгроқ мушоҳада этайлик.

Ишхонадаги тушлик пайтларида кўпинча рўзғор ташвишларидан гапирилади. Баъзан эркаклар ҳақида гап кетади. Шунда ҳамхоналаримиздан бири дейди:

— Пастки қаватда яшайдиган рус қўшнимнинг эри қачон қараманг, уй юмуши билан банд. Қиш бўйи гиламларини қорга олиб чиқиб, ярқиратади. Ёзда уларни ювиб симга осади. Дам олиш кунларида ҳовлига чир айлантириб арқон тортади, сўнг уларга кўрпа ёйиб офтоблатади. Хотини кир ювса, у чиқиб ёйди, қуригач олиб киради. Бир куни эримга айтдим: «Ҳой инсон, сизнинг ҳам рўзғорга сал фойдангиз тегсин, ахир. Ҳеч бўлмаса дам олиш кунида менга озроқ қарашинг. Анави қўшнининг эри ҳам сизга ўхшаган эркак-ку!» Шунда эрим нима дейди, денг. «Э, у қўшнининг эрини менга гапирма. У эркак эмас!». «Ҳа, ким экан бўлмаса? дейман мен. «Эркак киши хотинларнинг икир-чикир ишларига ўралашмайди», дейди. Қаранг буларнинг фалсафасини...

— Э, сиз уни айтасиз, — дейди яна бир суҳбатдошим. — Менинг эрим бир дам олиш кунида ўртоғининг дала ҳовлисига борадиган бўлди. «Кўпчилик бўлиб бораяпмиз, кечга томон кеп қоларман» деди. Шу куни денг, вақт ярим кечадан ошдиямки, дараклари йўқ. «Тағин кўп ичишган бўлса йўлда машина-пашина уриб юборибди...» Кўнглимга не ўйлар келмади, дейсиз. Мижжа қоқмадим. Эрталаб соат еттида кириб келдилар. «Ўша ёқда қоларкансиз, нега телефонда билдириб қўймадингиз? Ахир инфаркт бўлишимга сал қолдику?» дедим. «Қизиқмисан, ёнимда беш-олти эркак, сенга қандай телефон қиламан. Хотинига ҳисоб беряпти, деб ўйлашмайдими, ахир», — дейди. Эҳ, бу эркаклар биз аёлларни ҳеч вақт тушуниб етмайди-да!

Сухбат узоқ давом этади. Яна бир ҳамхонамиз эрининг кунига кеч келишини, болалари ухлаб ётганида уйга кириб, эрталаб ҳали уйғонишмасиданоқ уйдан чиқиб кетишини гапириб қолди. «Ҳар куни шу аҳвол, — дейди у ўкинч билан. — Бир куни тоқатим-тоқ бўлиб, дедим: «Ҳеч бўлмаса, бу дам олиш кунида болаларни етаклаб ҳовлига чиқинг. Қўни-қўшнилар бу уйда ҳам эркак зоти яшаётганини бир кўришсин. «Эрингиз кўринмайди, қўшни?» деб сўрашгани-сўрашган...» «Бугун идорада чала юмушлар бор, ишларни битказишим керак» дедилар. Жаҳлим чиқиб кетди: «Боринг, ўша идорангиздагилар эрта-индин сизга ҳайкал қўйиб қолишар» дедим. Гапим у кишига малол келди шекилли, «Нима қилсам сизлар учун, болаларнинг келажагини ўйлаб қилаяпман» дедилар. «Э, сизнинг ўша икки-уч сўм ошиқча пулингиздан ҳам кўра, болаларга сизнинг бўш вақтингиз, оталик меҳрингиз кўпроқ керак бўлаётир» дедим. Хуллас, у десам бу деди, бу десам у деди.. Ҳеч тушунтиролмадим, бу одамга.

МУЛОҲАЗА

Узоқ йилги бир воқеа ёдимга тушади. Туман газетасида ишлардим. Қишлоғимиз олис бўлгани учун кўпинча марказда яшайдиган амакимникида ётиб қолардим. Ўша йиллари амаким сингари масъул вазифаларда ишлайдиган кишилар колхоз-совхозларга вакил қилиб биркитиларди. Ёзу-қишки мавсумда бундай «вакил»лар далага чиқишиб, пахтакорларга «ҳа, бўл-ҳа, бўл!» деб туришарди. Амаким ҳам саҳарда кетиб, ярим тунда келар, рўзғорнинг жамики ташвиши янгамнинг зиммасидайди.

«Шу амакингиз жиянларингизнинг қайси мактабда, нечанчи синфда ўқишиниям тузукроқ билмайдилар» деб кулардилар янгам гоҳо. Бир куни қизиқ бўлди. Амаким уйга кун ботмасиданоқ кириб келдилар. Билсак, шу куни янгамизнинг туғилган куни, амаким шу кунни оила даврасида нишонлаш учун у ёқдагиларга узр айтиб, эртароқ келган эканлар. Янгам югуриб-елиб дастурхон ясатди, бир чиройли давра қуриб ўтиришдик. Шунда кичик жияним сўраб қолди: «Ота, бугун бизникида ётиб қоласизми?» Амаким аввал ҳайрон бўлдилар, сўнг тушуниб, кулиб юборди. Янгамнинг кўзи ёшга тўлди.

Баъзан бувиларимиз айтишади: «Эркак киши кўчанинг одами. Уйга сиғмайди. Агар аёли тергайверса, баттар уйдан безади. Эркакка ён бериш керак...» Балки шундай бўлгани ҳам маъқулдир. Лекин, бир нарсани ўйлаб кўнасан, киши. Эркак киши оиласига, аёлига ва болаларига айни керак чоғда вақтини кўпроқ кўча ва ишхонасига сарфларкан. Хонадондаги болалар отасининг ўгити, насиҳати, тарбиясини гоҳ олиб, гоҳ олмай, отасининг меҳрига гоҳ қониб, гоҳ қонмай улғайишаркан. Аёл ҳам эри билан дастурхон атрофида бемалол ўтиришни, мириқиб суҳбатлашмоқни доимо орзу қилиб яшаркан. Болалар улғайиб ўз йўлларини топишгач, аёлнинг ҳам бардоши тугаб, ҳафсаласи сўниб, тақдирига тан бериб яшай бошлаганида... эркак уйга қайтаркан! Чунки, кечаю-кундуз «гириллаб» ишлаб турган бу тирик механизмнинг қуввати озаяди, у энди ишхона учун кўп фойда келтирмайди. Лекин у аллақачон улғайиб қолган болаларига, рўзғор ташвишлари ичра сочи оқариб, ёши ҳам бир жойга борган аёлига энди нима бера олади? Руҳиятшунос олимлардан бири билан суҳбатлашганимда, у гапириб қолади: «Ҳозирги пайтда оила ажрими ёшлардан ҳам кўра, кексалар ўртасида кўпроқ учраётир...» Ўзимча таҳлил этдим: бунга эркакнинг уйга «кеч» қайтиши сабаб эмасмикин? У айни кучга тўлган, навқирон пайтида болаларига ва аёлига зарур бўлган меҳр-муҳаббатни беролмагандир, балки... Ахир жамият юкини елкалаган эркак ўз уйида қадр тополмаса, бу унинг бир томонлама шахс эканини билдирмайдими?! Қолаверса, жамиятимиз саҳам ибратли оилалар билангина янада қудратлидир! Эркак эса оила ибрати учун курашиши, хонадонига бахт, меҳр-муҳаббат олиб кирмоққа доимо улгуриши зарур. Эркакнинг оиладаги ўрни шу саъй-ҳаракати билан белгиланади, аслида.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ЎЗИМНИКИ ДЕДИМ СЕНИ, СЕН АХИР ЎЗИМ, РИЗҚУ-РЎЗИМ, ИССИҚ ЮЗИМ—НАВРЎЗИМ!...

ҲА, ўзининг бетакрор ҳиммати ва ҳикмати билан нафақат табиатга, балки одамлар қалбига яшнаш ва яшаришдек эзгу умидларни бахш этган Наврўз юртимизда катта шодиёна билан нишонланмоқда.

ЯҚИНДА пойтахтдаги М. М. Федорович номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия марказида бўлиб ўтган Наврўз байрами ҳам ўзининг хайру-саховатга йўғрилганлиги билан янада аҳамиятли бўлди. Яъни, мазкур шифохона хизматчилари шу куни тўкин қилиб безатилган дастурхон атрофига марказда даволанаётган беморларни таклиф этдилар... Соғлик-саломатлик ҳақидаги барча эзгу тилаклар, куй ва қўшиқлар йиғилганларнинг қалбига қувонч бағишлади.

— Наврўз нафақат ер юзини, балки инсонлар дилини ҳам янгилайдиган, поклайдиган қутлуғ байрамдир, — деди тадбирни очган марказ бош шифокори Зуннур Исмоилов. — Биз шифокорлар мана шундай айёмда юртимизнинг тинч, элимизнинг соғлом бўлишини тилаймиз. Зеро, Наврўзда бошланган ҳар қандай иш, ҳар қандай яхши истак ижобат бўлади...

Байрам иштирокчиларини Миробод тумани ҳокимининг муовини Мирвоҳид Содиқов ҳам табриклади. Кетма-кет Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг хонанда ва созандалари хизматга бел бойладилар. Зоҳида Умарова ва Хурсанд Шеровларнинг халқона қўшиқлари даврага ўзгача руҳ олиб кирди. Дастурхонга кўклам неъматлари, турли ширинликлар, кўксомсалар тортилди. Шифохона бош ошпази Саодат опа Эргашева ва бош ҳамшира Раъно Комилова бошчилигида тайёрланган сумалак эса барчага манзур бўлди.

Байрам дастурига кирган келин салом, шифокор ва бемор мулоқоти акс этган саҳна кўринишлари ва бадиий асарлар асосидаги монологларни ҳам шифохона хизматчилари ва даволанувчилар биргаликда ижро этдилар. Худди шу куни ҳар бир кўнгилда муқаддас бир калом куртак ёзиб, гулга киргани рост:

— Дилларни дилларга, элларни элларга боғлагувчи яшил насим, хуш келдинг! Сен бор бўйи-бастинг, ҳимматинг, ҳислатинг билан шу меҳнаткаш халқимнинг ўзига, қаро кўзига, умидбахш сўзига ўхшайсан, НАВРЎЗ!..

З.АШУРОВА.

СУРАТЛАРДА: байрамдан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Муштарий илҳоми

ЭРКИН Шомирзаевнинг асли касби шифокор. 1979 йилдан буён республика рентген-радиология маркази мудири бўлиб ишлаб келмоқда. Шу соҳа бўйича соғлиқни сақлаш вазирлигида бош мутахассис ҳамдир.

Эркин ака, шунингдек, адабиёт шайдоси сифатида шеърлар ҳам машқ қилиб туради. Қуйида унинг инсонийлик мавзуидаги шеърларидан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Эшигинг қоқса биров,
Маҳтал этиб куттирма.
Овоз бергин-у, дарров,
Кутиб олмай ўтирма.
Пешвоз чиқ, салом бериб,
Ҳол-аҳвол сўра ундан.
Қўлингни кўксингга қўй,
Дили чоғ бўлсин бундан.
Илтимос, таклифларга
«Йўқ» деб жавоб бошлама.
Ночор бўлса, кўмак бер,
Кўнгил кўзин ёшлама.
Узринг бўлса асосла,
Ранжитма дилин зинҳор.
Кўришувсиз ҳаёт йўқ,
Дийдор бор, мулоқот бор.
Қайтар дунё дейдилар,
Сен ҳам эшик қоқарсан.
Ўшал эшик олдида,
Маҳтал бўлиб боқарсан...
Эшик қоққан инсонга,
Жонингни нисор айла.
Савоб ишдан айрилма,
Дилга дунёни жойла!

Эркин ШОМИРЗАЕВ.

УЙҒОНУР

Гул баҳор келса, қаранг, тоғу-қир, ўтлоқ уйғонур,
Дов-дарахт бошга ўраб гулдан рўмол, оҳ, уйғонур.

Табиат минг яшнагай ҳар йил баҳор келган маҳал,
Шул сабаб, энг аввало, тоғ бағри—қишлоқ уйғонур.

Очилиб осмон, қуёш нурга тўлиб, боққай яна,
Бу ёруғ кунни кўриб, эл меҳри мутлоқ уйғонур.

Ҳар чаман боғдан келур булбул навоси во ажаб,
Ҳар саҳар булбул хониш айларга муштоқ уйғонур.

Тоғидан бургут учиб, осмон-фалакда яйрагай,
Қанча юксак учса ул тонг шунча огоҳ уйғонур.

Халқу-юртин ўйлаган деҳқон ерин тез-тез экар,
Ўтказиб ер умрини ётмайди, тезроқ уйғонур.

Деҳқоний, келди баҳор, чин эркнинг гаштини сур,
Тортма оҳ, оҳлар бекор, йўқсаким, афлок уйғонур.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

Футбол

УЙИНДАН УЙИННИНГ ФАРҚИ БОР

◆ «Пахтакор» тўйига марҳабо!
◆ Бир тўп уч очко келтирди
◆ Ҳакамлардан эмас, қоидабузарлардан хафа бўлинг
◆ Биринчи табақа вакиллари бугун мавсум ўйинларини бошлашади

ЎЗБЕК футболининг фахри ва минг-минглаб мухлисларнинг севимли жамоасига айланган «Пахтакор» ташкил топганига 41 йил тўлди. Бу жамоанинг 40 йиллик тўйи ўтган йили айрим сабабларга кўра нишонланмай кечиктирилганди. Мана, ниҳоят эртага Сиз, азиз мухлисларни «Пахтакор» тўйига таклиф этамиз! Футболимиз фахрийлари, бугунги кунда яшил майдонларда ўз ўйинлари билан мухлисларни мамнун этаётган спортчилар, кенг жамоатчилик бу кунни катта шодиёна билан ўтказишни режалаштирган. «Пахтакор» ўйингоҳида тўй шодиёналари эрталабдан бошланади. Дастурхон атрофида «Пахтакор» довруғини таратишда ҳисса қўшган фахрийлар эъзозланади. Сўнг санъат усталари иштирокида катта томоша ва «Пахтакор» — «Қайрат» фахрийлари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлади. Ва ниҳоят «Пахтакор» — «Сурхон» жамоалари ўртасидаги навбатдаги ўйинни томоша қиласиз.

Ўтган якшанба ва душанба кунлари олий табақа аъзолари мамлакат биринчилигининг навбатдаги тўртинчи босқич ўйинларини ўтказишди. Ана шу учрашувлар натижалари ҳақида мураббийлар, ҳакамлар, назоратчи ҳакамлар таассуротларини билиш мақсадида Ўзбекистон футбол федерациясида бўлдик. Мусобақаларни ўтказиш бўлимида қайдномани кўздан кечирар эканмиз, ундаги «майдондан чиқариб юборилган» ва огоҳлантириш олганлар» белгилари остида қалашиб кетган футболчиларнинг исм-фамилияларини ўқиб, гапнинг очиғи, ранжидик. Ҳакамлар қаттиққўллик қиляптими ёки ўйинчилар қоидабузарликда кимўзар ўйнашяптими, деган фикрга бордик. Мураббийлар ҳакамларга эътироз билдиришмаганлигини англаб, айб футболчиларнинг ўзларида эканлигини тушундик. «Андижон» — «Насаф» — ўйинида ҳакам бирйўла мезбонларнинг икки футболчисини ўйиндан четлатиб, саккиз ўйинчини огоҳлантирибди. Жами ўн футболчи жазоланибди. «Чилонзор» — «Пахтакор» учрашувида эса В. Бунтов майдондан чиқариб юборилиб, олти ўйинчи огоҳлантириш олган. Бу ҳол, албатта, футболимизга номуносиб бўлиб, мухлисларни ранжитмоқда. Улар ўйингоҳга футболчиларнинг қўполлигини эмас, балки, чиройли ўйинларни кўриш учун келишларини унутмаслик даркор. Бундай ачинарли ҳоллар, энг аввало, ҳар бир жамоанинг ўз йиғилишида таҳлил қилинмоғи, тартиббузарлар етарли жазосини олиши ва футбол федерацияси спорт-техника комиссияси томонидан муносиб баҳоланмоғи лозим.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси сафарда «Афросиёб» устидан 1:0 ҳисобида ғолиб келиб, очколарини 9 тага етказди. Учрашувнинг 44-дақиқасида Жаъфар Ирисметов киритган ягона тўп ўйин тақдирини меҳмонлар фойдасига ҳал қилди. Ўринбосарлар ўртасидаги бахс эса 6:0 ҳисобида «Дўстлик» фойдасига тугади. Тўпларни Б. Абдураимов (3 та), П. Кайгородов, А. Матвеев ва Б. Ғофуровлар киритишди.

«Нефтчи» ўз майдонида Марғилоннинг «Атласчи» жамоаси билан бўлган учрашувда 39-дақиқагача 0:2 ҳисобида ютқазиб турганди. Олти дақиқада ҳисобни тенглаштирган «Нефтчи» иккинчи бўлимда яна 2 та тўп киритиб, 4:2 ҳисобида устун келди.

«Чилонзор» — «Пахтакор» баҳсини учрашувнинг иккинчи дақиқасида пахтакорчи А. Акопян киритган ягона тўп ҳал қилди. 1:0 ҳисобида тўртинчи ютуққа эришган «Пахтакор» МҲСК жамоаси билан 12 тадан очко тўплаб, жадвалда карвонбошилик қилмоқда. Армиячилар ўз майдонларида «Хоразм» жамоасини 3:1 ҳисобида енгишди. «Нефтчи» жамоаси 10 очко билан жадвалда 3 ўринда бормоқда. «Трактор» футболчилари сафарда «Сурхон» билан 0:0 ҳисобда дуранг ўйнашди. Ўтган йилги мамлакат чемпиони Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси «Янгиер» меҳмони бўлди. Ўйинда меҳмонлар 1:0 ҳисобида устун келишди. «Дўстлик» жамоаси 9 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб турипти. Вилоятимиз футболчилари кейинги босқичда «Андижон» жамоасини қабул қилади.

* * *

БУГУН мамлакат биринчилиги биринчи табақа иштирокчилари мавсум ўйинларини бошлашади. Вилоятимиз спорт шарафини ўтган йилдагидек бу мавсумда ҳам беш жамоа ҳимоя қилади. Ўтган йили биринчи табақадан тушиб кетган «Ғазалкент» ўрнини Зангиотанинг «Лочин» футболчилари эгаллади. Мавсум бошланиши арафасида «Кимёгар», «Бўкалик», «Лочин» жамоалари раҳбарлари билан мулоқотда бўлдик. Гапнинг очиғи, уларнинг кўтаринки кайфиятлари бизни хушнуд этди.Чирчиқлик футболчилар бу йил нафақат кучли учликдан жой олиш, балки, олий табақада қатнашиш ҳуқуқини берадиган икки йўлланманинг биттасига даъвогарлик қилиш ниятида эканликларини яширмаяптилар. «Бўкалик» ва «Лочин» жамоалари сафини эса асосан маҳаллий ёш ўйинчилар тўлдирганлиги қувонарлидир. Биринчи турда Бекободнинг «Металлург» жамоаси Фарғонанинг «Тўқимачи» футболчиларини, «Бўкалик» Наманганнинг «Навбаҳор—2» жамоасини қабул қилади. «Лочин» Қибрайнинг «Роҳат» жамоасига қарши ўйнаса, «Кимёгар» сафарда «Истиқлол» меҳмони бўлади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

БЕМИННАТ ДАСТЁР

Лондон шаҳридаги касалхоналардан бирида ғаройиб «хизматчи» пайдо бўлди. У барча топшириклари «виждонан» бажаради ва бошлиқнинг гапини ҳеч қачон икки қилмайди, устига устак суткасига 24 соат тиним билмай ишлайди. У ҳатто маош ҳам талаб қилмайди. Бу дастёр Живс номли роботдир. Роботларнинг янги авлодидан бўлмиш Живс электр батареядан озиқланади. У касалхонада ҳамшира бажариши лозим бўлган ҳамма юмушнинг уддасидан чиқади. Робот хотирасига касалхонанинг бутун чизмаси ёзилган бўлиб, у бутун бино бўйлаб бехато ҳаракат қилади.

ГОНКОНГ ОЛИМЛАРИ КАШФИЁТИ

Кўк чойнинг инсон организми учун фойдали жиҳати ҳақида жуда кўп ёзилган. Яқинда гонконглик олимлар кўк чойнинг яна бир янги хислатини аниқладилар: у қон таркибидаги холестрол миқдорини камайтиришга хизмат қилар экан. Маълумки, айрим ҳолларда холестрол моддаси юрак қон томирлари касаллигини келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Гонконг университети мутахассислари чой баргидан фаол ингредиент моддасини ажратиб олдилар. Бу ҳар қандай доридан ҳам кўра фойдалироқ экан.

СУНЪИЙ ТЕРИ

Англиянинг Бристол шаҳри касалхоналаридан бирида олимлар инсон танасидаги куйган жойлар ва чандиқларни даволашнинг янги усулини топишди. Ушбу усулнинг технологияси шундан иборатки, тананинг жароҳатланган жойига таркибида махсус крем моддаси бўлган сунъий тери ёпиштирилади. Натижада теридаги жароҳат бир неча соат ичида ўз ҳолига қайтади. Олимларнинг таъкидлашича, бу янгилик тиббиёт соҳасидаги оламшумул воқеадир.



БАХТИНГИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН...

КЕКСАЛАРИМИЗ ҳамиша дуога қўл очганларида, энг аввало, «Оллоҳ тани-жонингни соғ, ризкингни бутун, умрингни узун қилсин» дея тилак-билдирадилар. Элнинг ана шундай дуосини олган оҳангаронлик Ғиёсиддин ота Мадиёров чиндан ҳам Оллоҳдан катта насиба олди: бундан юз йиллар аввалги хонликлар даврини кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучук қисматларига гувоҳ бўлган отахон шу баҳорда 101 ёшни қаршиладилар.

Сураткаш-мухбиримиз табаррук отахонни тасвирга тушириш учун «Ўзбекистон» ширкат жамоа хўжалиги ҳудудидаги Овжаз қишлоғига борганида отанинг кўзлари олис хотиралардами, шукроналикдами ёшланди ва шундай деди:

— Мен неча замон, неча ўзгаришларни кўрдим. Аммо, юртимизнинг бугунги мустақиллиги неча авлодлар учун ушалмас орзу бўлганлигини яхши биламан. Худога шукр, шундай кунларни ўз кўзим билан кўриб турибман. Ортимда қоладиган фарзандларим, қоракўзларим энди аста-секин тўкис ҳаёт кечиришларига, ўзгаларга эмас, ўз юрти ва ўз халқи учун яшашларига ишонаман. Ишқилиб, бахтингизга кўз тегмасин, омон бўлинглар, болаларим!..

ЗАРИФА БОНУ.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ ҚЎШИҒИ

РИВОЯТ қилишларича, Оллоҳ таоло одамзотни лойдан яратиб бўлгач, навбат тирилтиришга келганда жон унинг ичига киришга ҳеч унамасмиш. Фаришталар у деб кўришибди, бу деб кўришибди, қани жон кўнса. Бирданига Яратгандан ваҳий келибди: «Куй чалинглар!» деб. Шу пайт бепоён оламга ажойиб нағмалар тўлиб, бутун борлиқ гўё эриб кетадигандай тебранибди. Сеҳрли наволарга алаҳда бўлган жон одамнинг ичига қандай кириб кетганини билмай қолган экан.

...Балким, шундандир, мусиқа ва қўшиқсиз яшай олмайди, инсон. Бирон нарсадан беҳад қувонганда ёхуд аксинча, қаттиқ ҳафа бўлганда ҳам, албатта, қўшиқ тинглайди у. Чақалоқ туғилгандан бошлаб оналар бешик устада алла айтадилар. Дунёдан кўз юмган яқин кишиларимизни йиғлаб, марсия айтиб, кузатишимиз ҳам бир ғамгин қалбларга таскин берувчи қўшиқ аслида.

Ўзбекнинг куй ва қўшиқлари жуда қадимий ва айни пайтда навқирондир. Унда халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ва ўзига хос турмуш тарзи намоён. Биргина мисол:

Дарёларнинг ул юзида уйларингиз,
Оқаришиб кўринади бўйларингиз.
Ипданми ё ипакданми кийганингиз,
Бизлардан ҳам ортиқмиди суйганингиз.

Ҳар кимники ўзига-ю, лекин, менга қолса, дунёдаги энг дилрабо қўшиқ ўзбекники, деган бўлардим. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Юнус Ражабий, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов, Ҳалима Носирова, Ғанижон Тошматовларнинг ҳар бир яратган мусиқа ва ашулалари ўзбек қўшиқчилик санъатини юксакликка олиб чиқди. Айтиш мумкинки, чет элларда ҳам танилди.

Яқинда яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик: матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Фестиваль ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида, биринчилик эса шу йилнинг 25 августидан 2 сентябрига қадар ўтказилади.

Аввало, халқаро миқёсда бундай катта тадбирни ўтказиш ўзбекнинг кимлигини дунёга яна бир бор танитиши, шубҳасиздир.

Тасаввур қиламан: фестивалда мумтоз ва замонавий қўшиқлар янграйди. Қўшиқчилик маданиятига катта ҳисса қўшган санъаткорлар ҳаёти ҳақида фильмлар, альбомлар намойиш этилади, кўргазмалар уюштирилади. Энг муҳими, ўзбекнинг ўз қўшиғи борлигидан бутун дунё воқиф бўлади.

Тингланг, бутун борлиққа сеҳрли бир наво таралмоқда. Унинг ҳароратли нафасидан тошлар эриб, тоғларнинг мағрур қадди янада ростланмоқда. Ўйнаб-ўйнаб оқаётган шўх ирмоқчалар ҳам бир зум тўхтаб қолгандай. Мажнунтол новдалари ҳайратдан сувга шўнғийди. Бу мустақиллигимизда туғилиб, оламга юз тутиб бораётган ўз қўшиқларимиздир!

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.

Об-ҳаво

ҚАЛДИРҒОЧЛАР УЧИБ КЕЛДИ

Бугун ва эртага вилоятимизнинг айрим туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. 5—6 апрель кунлари ҳаво очиқ бўлади. Ҳарорат кечаси 5—10, кундузи 13—18 даража илиқ бўлиши кутилади. 5—6 апрелда ҳарорат 25 даражагача кўтарилади. Ҳақиқий баҳор даракчилари қалдирғочлар эса ин қўя бошлайди.

Зангиота туманидаги 21-ўрта мактаб томонидан ХАМРАЛИЕВ Абдурасул Мамағофуровичга берилган 824558 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бўка тумани ҳокимлиги туман ҳокимининг муовини, назорат инспекцияси раҳбари Равшан Йўлдошевга падари бузруквори **Жўра ЙЎЛДОШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 17.30.